

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ф.01.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМОНОВ ДУСМУРОД АБДИНАЗАРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ ТИЗИМИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Ихтисослик: 09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2019**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Рахмонов Дусмурод Абдиназарович**

Ўзбекистонда ижтимоий хизмат тизимини ривожлантиришнинг этномаданий  
хусусиятлари.....3

**Рахмонов Дусмурод Абдиназарович**

Этнокультурные особенности развития социального обслуживания в  
Узбекистане.....21

**Rahmonov Dusmurod Abdinazarovich**

Ethno-cultural features of social service development in Uzbekistan.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ф.01.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМОНОВ ДУСМУРОД АБДИНАЗАРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ ТИЗИМИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Ихтисослик: 09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fal47 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fs-ik.uz](http://www.fs-ik.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Самаров Рустамжон Садриддинович,**  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Умаров Абсалом Адилевич,**  
социология фанлари доктори, профессор

**Мухторов Азамат,**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:**

**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871)246-02-24, факс: (99871)246-02-24, e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Р.Хўжамуродов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, фалсафа  
фанлари доктори, профессор

**Г.М.Рузматова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, фалсафа  
фанлари доктори, профессор

**Ж.Раматов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий  
семинар раиси, фалсафа фанлари  
доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ижтимоий хизмат тизими борасида улкан амалий тажриба тўпланган. Ижтимоий хизмат тизими ривожини ижтимоий, иқтисодий, маданий ва ҳуқуқий омиллар ҳамда жамият ҳаётида мавжуд реалликлар билан боғлиқ бўлган турли кўринишдаги қийинчиликлар, иқтисодий муаммолар ҳамда жисмоний соғлиқнинг йўқолиши натижасида долзарблашиб боради. Шу боис, ижтимоий хизмат соҳаси бевосита амалий фаолият билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратилиб, дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳам кенг даражада ўрганилиб келинмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида ижтимоий хизмат (она ва болалар, ёлғиз қариялар, нотўлиқ ва низоли оилалар, туғма ва меҳнат фаолиятини ўташ давомида орттирилган ногиронлар, гиёҳванд ва бошқалар билан ишлаш) жамиятдаги моддий-маданий ва маънавий-маърифий жараёнларга боғлиқлигини ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ижтимоий хизматнинг функционал-структурал таснифий, давлатлараро ва минтақавий-худудий муносабатларига оид бир қатор концептуал ғоялар таҳлил этилган. Шу билан бирга ҳозирги даврда дунёда ижтимоий хизмат кўрсатиш жараёни инсониятга хос ҳаракат тури сифатида унинг халқаро тажрибаси ва амал қилишини таъминлашда салбий таъсир кўрсатаётган масъулиятсизлик, касбий лаёқатсизлик, билимсизлик, номутахассислик, фаолият жараёнини режалаштириш ва бошқариш технологиясининг эскилиги каби турли ижтимоий омилларни бартараф этиш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасининг назарияси ва амалиётини такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг турли қатламларига ёши, жинси, ижтимоий ҳолати, жисмоний салоҳиятини инобатга олган ҳолда амалий ёрдам кўрсатиш тизими жорий қилиниши, тиббий, ҳуқуқий, ахборот, маданий, ижтимоий, иқтисодий каби соҳаларда кенг намоён бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>1</sup>нинг устувор йўналишлардан бири «Ижтимоий соҳани ривожлантириш» қилиб белгиланган. Мазкур вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш ижтимоий хизмат тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, ижтимоий хизмат тизими ривожлантиришда этномаданий омилларни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикасини қонун ҳужжатлар тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-415-сон «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонлари ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий ва маданий тамойиллари инновацион иқтисодиётни шакллантириш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ижтимоий хизмат тармоқлар, улар орасида айниқса зарур бўлган иқтисодиёт, тиббиёт, ҳуқуқ, маданият ва санъат, маънавият, маърифат, психология соҳаларида ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан алоҳида ўрганилмаган. Бирок, ижтимоий фалсафа методологик, гуманистик ва умуммаданий каби бир қатор функцияларни бажариб, бошқа фанларда ўрганилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб беради.

Ижтимоий хизмат тизимининг ривожланиши муаммосини жаҳондаги файласуф олимлардан R.Lynn John Chandler, Linda Bell, Elisabeth Berg, Jim Barry, H.Sonya, Hu Jierong Yenching, Annie J. Keeney, Amy M. Smart, Regina Richards, Shannon Harrison, Manuel Carrillo ва Deborah Valentine, T.Mafile'о, Paul Force-Emery Mackie ва Осиёлик файласуф олимлардан Т.Аkimoto, А.Mishima, В.Vijayalakshmi, А. Albrithen кабилар томонидан ижтимоий хизмат кўрсатишнинг йўналишлари, ривожланиши, жамият ҳаётидаги аҳамиятли жиҳатларини тадқиқ этганлар.

МДХ файласуф олимларининг илмий ишларида ижтимоий иш, ижтимоий хизмат кўрсатиш, ижтимоий ёрдам, ижтимоий хизматдан фойдаланишга эҳтиёж масалалари турли илмий таълимотлар асосида ўрганилган. Бунда, П.Айтбаева, В.Антропов, Н.Маркова, Н.Мусаева, И.Харисов, Т.Караев, А. Абдувапова, Э.Орозалиев, Т.Козлова, Н.Тарусина, Н.Шведова, Г.П.Медведева, Н.М.Горишналарнинг илмий ишларини келтириш мумкин.

Мамлакатимиз файласуф олимларидан Ж.Туленов, С.Шермухаммедов, Н.Ҳакимов, З.Қодирова, М.Ғаниева, С.Мамашакиров, С.Отамуратов,

И.Саифназаров, А.Қодиров, Р.Самаров, У.Қорабоев, О.Нишоновалар томонидан мавзуга алоқадор бўлган фалсафий масалалар ўрганилган. Турли ижтимоий гуруҳларни ҳимоялаш ҳамда ижтимоий муҳофаза билан боғлиқ жиҳатлар Қ.Абдурахмонов, Л.Халикова, Ж.Исаков каби олимларнинг ишларида миллий маданиятни инобатга олган ҳолда иқтисодий муносабатлар доирасида хизмат кўрсатиш ва унинг тармоқлашувининг самарадорлиги, ижтимоий хизмат ходимининг касбий ахлоқи, ҳуқуқий жабҳаси, ижтимоий ёрдамнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган<sup>2</sup>.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг муштараклиги» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимининг институционал ривожланишини тизимли-функционал таҳлил этишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Марказий Осиё минтақасида ижтимоий хизмат кўрсатишнинг институционаллашувида ижтимоий-фалсафий қонуниятларнинг тутган ўрнини, ижтимоий хизмат кўрсатишнинг тармоқлашувини илмий асослаш;

ижтимоий хизмат амалиётида этномаданиятнинг функционал ролини «ижтимоий хизмат кўрсатувчи ва ижтимоий хизматдан фойдаланувчи» муносабатлар тизимида эмпирик тарзда ўрганиб, ходимлар вазифалари ва уларга қўйиладиган касбий-ахлоқий талаблар мажмуасини такомиллаштириш;

жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий ўзгаришлар асосида ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси орқали жисмоний имконияти чекланган аҳоли қатламига ёрдам бериш, уюлмаган ёшлар билан ишлаш, бандлигига кўмаклаш фаолиятини фалсафий жиҳатларини тадқиқ этиш;

ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимлашувининг назарий методологик асосларини ўрганиш, назарий моделларнинг қиёсий таҳлили доирасида ижтимоий хизматнинг этномаданий ва маънавий таркиблари мазмунини асослаш;

ижтимоий хизмат кўрсатишни миллий ижтимоий сиёсатнинг ажралмас қисми сифатида назарий ва эмпирик тадқиқот усуллари асосида тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ижтимоий хизмат тизимининг назарий методологик масалаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими, ижтимоий хизмат кўрсатувчи тузилма, ёрдам олувчи ва экспертларнинг фаолияти ташкил этади.

---

<sup>2</sup> Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ретроспектив ва қиёсий таҳлил, социологик сўров, фаолият маҳсулини ўрганиш, кузатув, ҳужжатларни ўрганиш, математик статистиканинг частотали, Крускал-Уоллиснинг статистик мезонлари каби илмий тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ижтимоий хизмат кўрсатишда ёрдам олувчиларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда соҳавий тарзда ёндашишнинг афзаллиги очиб берилган;

Ўзбекистонда ижтимоий хизмат тизимини ривожлантиришда этномаданий омилларни инобатга олиш ва касбий фаолият самарадорлигини таъминлашдаги иштироқи амалий тадқиқотлар ёрдамида аниқланган ҳамда унинг ижтимоий тараққиёт модернизациялашувига ижобий таъсири асосланган;

аҳолининг эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш, ижтимоий мадад олиш маданиятини юксалтиришнинг йўллари (ташкилий, маданий, касбий) очиб берилган;

тадқиқот натижалари асосида ижтимоий хизмат кўрсатиш ходими вазифасининг назарий модели («Жамият – ижтимоий муаммолар – ижтимоий сиёсат – ижтимоий иш мутахассиси – ижтимоий ёрдам олишга муҳтож инсон (гуруҳ) – индивидуал даражада намоён бўлган муаммо – амалий ижтимоий ёрдам кўрсатиш – ижтимоий муносабат»); «Ижтимоий муҳит – мутахассис – ижтимоий ёрдам олишга эҳтиёжманд инсон (гуруҳ) – микро муҳит – амалий ёрдам кўрсатиш – маиший ҳаёт – муаммо – мақсадга эга бўлиш») яратилган ва уни амалиётга татбиқ этиш йўллари асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида олинган хулоса ва тавсиялар ижтимоий хизмат маданияти даражасини ва ижтимоий таъминот тизими ходимларининг касбий салоҳиятини оширишдаги имкониятлари аниқланган;

аҳолининг ювенал, бахтсиз ҳодисалар ёки меҳнатдан орттирилган ногиронлик, кексалиги туфайли ижтимоий хизматга муҳтож қатлам ва гуруҳларига амалий ижтимоий ёрдам кўрсатиш тамойиллари асосланган;

ижтимоий хизмат кўрсатишга салбий таъсир этувчи миллий-маданий омиллар аниқланиб, ижтимоий ёрдамнинг ижтимоий-маънавий кўмаклашиш йўллари асосланган;

аҳолининг турли қатламлари реал талабларига мос келадиган ижтимоий хизмат кўрсатишнинг самарали натижаларга эришишга қаратилган таклиф ва тавсиялар тайёрлаган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари илмий аҳамияти ижтимоий хизмат тизимининг институтлашувига оид таълимотлар асосида инсон омилига эътиборнинг кучайиши, ижтимоий хизмат фаолиятининг замонавий методологияси, кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялашувининг зарурияти асосланганлиги, ижтимоий хизмат тизимига оид назарияларнинг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, миллий-маданий хусусиятлар туфайли ижтимоий ёрдамдан унумли фойдалана олмаётганлар билан ижтимоий терапия ўтказиш, ижтимоий хизмат тизимида фаолият кўрсатувчи кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш, ижтимоий хизмат кўрсатиш институтлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ижтимоий хизмат кўрсатишда тўсиқ бўлувчи маданий, касбий, техник, иқтисодий ва бошқа омилларни аниқлаш, амалий ижтимоий ёрдам объект ва субъектлари фаоллигини коррекциялаш, социумда ижтимоий ёрдам олиш маданиятини ривожлантириш бўйича фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда ижтимоий хизмат тизимини ривожлантиришнинг этномаданий хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ижтимоий хизмат кўрсатишда ёрдам олувчиларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда соҳавий тарзда ёндашишнинг афзаллигига оид хулосаларидан Мудофаа Вазирлигида бажарилган А-087+(А1-124) - «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий хизматчиларида мудофаавий онгини шакллантиришнинг илмий-услубий асослари» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида 2017 йилда чоп этилган «Мудофаавий фаолият: назарий ёндашувлар» номли монографияни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 майдаги 89-03-1665-сон маълумотнома). Илмий хулоса монографияни назарий-методологик асосларни бойитишга хизмат қилган;

Ўзбекистонда ижтимоий хизмат тизимини ривожлантиришда этномаданий омилларни инобатга олиш ва касбий фаолият самарадорлигини таъминлашдаги иштироқи амалий тадқиқотлар ёрдамида аниқланган ҳамда унинг ижтимоий тараққиёт модернизациялашувига ижобий таъсирига оид хулосалари «Ижтимоий фикр» жамоатчилик Маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотларда илк бор экспериментал тарзда амалий синовдан ўтказилган. («Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг 2017 йил 31 октябрдаги 01–16/377-сон маълумотнома). Сўровнома натижалари асосида Ўзбекистон Республикасининг «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги Қонунини ишлаб чиқишга доир таклифлар тақдим этишга эришилган. Бу эса аҳолининг турли тоифаларига сифатли ижтимоий хизмат кўрсатиш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлари функциялари доирасида ижтимоий хизмат

кўрсатишнинг индивидуал ва гуруҳий шакллари фаолиятини ташкил этишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берган;

аҳолининг эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш, ижтимоий мадад олиш маданиятини юксалтиришнинг йўллариغا (ташкилий, маданий, касбий) доир хулосаларидан Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги ЎРҚ-415-сонли Қонунининг 5-моддасини тайёрлашда, «ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкил этиш» бўйича тавсия этган структуравий (назарий) моделдан мазкур қонуннинг 18-моддасига киритилган, жойларда «ижтимоий хизматларга муҳтож шахсларни аниқлаш» бўйича диссертация матнида келтирилган этномаданий индикаторлардан ушбу қонуннинг 19-моддасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси «Меҳнат ва ижтимоий масалалар» Қўмитасининг 2017 йил 24 октябрдаги 04/3-06-90-сон маълумотнома). Диссертация натижаларининг қўлланилиши амалиётда ижтимоий хизматга муҳтож шахсларни аниқлаш ва уларнинг турмуш ҳолатини баҳолаш, ижтимоий хизматларнинг яқка тартибдаги дастурини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторингини олиб бориш учун хизмат қилган;

тадқиқот натижалари асосида ижтимоий хизмат кўрсатиш ходими вазифасининг назарий модели («Жамият – ижтимоий муаммолар – ижтимоий сиёсат – ижтимоий иш мутахассиси – ижтимоий ёрдам олишга муҳтож инсон (гуруҳ) – индивидуал даражада намоён бўлган муаммо – амалий ижтимоий ёрдам кўрсатиш – ижтимоий муносабат»); «Ижтимоий муҳит – мутахассис – ижтимоий ёрдам олишга эҳтиёжманд инсон (гуруҳ) – микро муҳит – амалий ёрдам кўрсатиш – маиший ҳаёт – муаммо – мақсадга эга бўлиш») яратилган ва уни амалиётга татбиқ этиш йўллариغا оид хулосаларидан Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятида фойдаланилган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2017 йил 23 октябрдаги 06/602-сонли, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2017 йил 3 ноябрдаги 04-13/1775-сонли маълумотномалари). Тадқиқот натижалари ижтимоий хизмат тизими таркибий қисмларининг функционал томонларини такомиллаштириш ва амалий ёрдам кўрсатиш тармоқлашувини таъминлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 9 та мақола (8 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Тараққиёт тизимида ижтимоий хизмат: назарий-методологик асослари**» деб номланган бўлиб, ижтимоий хизмат кўрсатиш жараёнига гносеологик билиш сифатида ёки ижтимоий борлиққа аксеологик баҳо бериш тарзида муносабат билдириб бўлмаслиги, бу жараёни англашда гносеология ва аксеология синтезлашуви кўрсатиб ўтилган. Диссертация матнида ижтимоий хизмат концептининг ижтимоий-фалсафий тавсифи, ижтимоий хизмат кўрсатишнинг функциялари, Марказий Осиё минтақасида ижтимоий хизмат кўрсатишнинг этномаданий жиҳатлари каби масалалар тадқиқ этилган.

Ижтимоий хизмат кўрсатиш, фаолият тури сифатида дунёнинг барча мамлакатларида ривожланиб бормоқда. А.Мishиманинг таъкидлашича, Японияда ижтимоий хизмат кўрсатишда диний омил ва миллий кадриятларга таянган ҳолда хизмат кўрсатилади. Ҳиндистонда эса, ижтимоий хизмат кўрсатиш ногиронларни гуруҳланиши, бошпанасизлар ҳамда меҳнат давомида жароҳат олганларга амалий ёрдам беришга йўналтирилган бўлиб, В.Vijayalakshмининг кўрсатиб ўтишича, амалий ёрдам кўрсатиш йил давомида ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида мутахассисларни тайёрлаш масаласига институционал тарзда муносабатда бўлишни тақозо этади.

Ўтмишда ижтимоий иш ёки ижтимоий хизмат деб аталувчи муайян тизим бўлмаган бўлса-да, бироқ бу фаолиятнинг элементлари қадимдан мавжуд бўлган. Хусусан, Қадимги Миср ибодатхоналарида очларга текин нон ва бошқа озиқ-овқат турларини, Қадимги Юнонистон ва Римда амал қилган филантропик ҳаракатлар намуналарида, яъни камбағаллашган аҳоли қатламлари орасида нон, кийим-кечак ҳамда пул тарқатилиши, Қадимги Хитойда ҳамдард бўлиш ва ғамхўрлик кўрсатиш кабиларда ифодаланганки, филантропик хулқ намунасини ифода этади. Филантропия, беғараз ахлоқ намунаси бўлиб, хайр-эҳсонни тарғиб этишга йўналтирилгандир.

Ижтимоий хизмат кўрсатиш, диний таълимотларда мадад кўрсатиш тарзида амал қилиб келган. Унинг маънавий-когнитив концептларини таҳлилини амалга оширганда, қуйидаги ёндашувлар мавжудлигини кузатиш

мумкин: Буддизмда дана; Иудизмда идаки; Христианликда раҳм-шафқат; Исломда садақа ва закот каби концептларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Саховатпешаликка амал қилиш ва чорлаш Марказий Осиё минтақасида ҳам ўзига хос тарзда, жумладан «қўли калта» аҳоли гуруҳига жамоавий шаклда, яъни ҳашар кўринишида уй қуриб бериш, тўй ва бошқа тадбирларни ўтказишда кўмаклашиш кўринишида амал қилган. Ўзаро ёрдам кўрсатиш, ислом дини билан боғлиқ амаллар, жумладан, садақа, закот, бечораларга кўмак бериш сингари ижтимоий хизматнинг фаолият тури сифатидаги тарихий илдиэларида ҳам кўриш мумкин. Буни икки сабаб билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, ҳеч бир ижтимоий тизим бўшлиқда пайдо бўлиб қолмайди. Яъни, мавжуд ресурсларнинг ҳисобидан яратилади. Дастлабки шарт-шароитлар тақозаси билан у ёки бу соҳадаги ижтимоий тузилмалар тизимлаштирилади, қандайдир яхлитликка айланса, иккинчидан, маълум бир тарихий босқичларда аҳолининг турли гуруҳларига кўрсатиладиган ижтимоий хизмат кўрсатиш амалиёти турли шаклларда умумлаштирилади ва институционал мазмун касб этади. Масалан, Амир Темур даврида ижтимоий хизмат кўрсатиш давлат даражасида амал қилган бўлиб, «Темур тузуклари»да «Фақир мискин, бирон касб қилишга ожиз шол-кўрларга нафақа белгилансинлар» – деб таъкидлаганлиги бундан далолат беради. Натижада, жамият ижтимоий тараққиётида муҳим ҳисобланган алоҳида мустақил соҳага, ҳатто мустақил илм, фанга айланди.

Ижтимоий хизмат тушунчасига муаллифлик таърифи келтирилган бўлиб, бошқа таърифлар билан қиёсий тарзда шарҳланган. Диссертацияда ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қилиш ва уларни илмий нуқтаи назардан тадқиқ этишда учта технологик босқичга амал қилиш лозимлиги, бунда назарий, услубий ва амалиёт каби босқичлар кўрсатиб ўтилган.

Диссертацияда ижтимоий хизмат кўрсатишга оид теологик, бихевиористик, когнитив ҳамда мажмуавий ва интегратив таълимотларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилган. Бу, ўз навбатида ижтимоий хизмат кўрсатувчиларни профессиограммасини тайёрлаш учун амалий хизмат қилади. Шу тариқа, қиёсий таҳлиллар натижаси сифатида ижтимоий хизматнинг шаклланиши ва ривожланишини қуйидаги босқичларга ажратган: ибтидоий босқич (фақат яқин кишиларига ғамхўрлик кўрсатиш тарзида амал қилган); маданий босқич (жисмоний ва руҳий муҳтожларга ёрдам кўрсатиш тарзида амал қилган); институционал босқич (касбий, тизимли ва тузилмали ёрдам кўрсатиш тарзида амал қилган); тижорат босқичи (ёрдам кўрсатиш орқали фойда кўришга қаратилган меҳнат тури сифатида амал қилиши).

Диссертациянинг «**Инсон манфаатларини таъминлашда ижтимоий хизмат кўрсатиш феномени**» деб номланган иккинчи бобида ижтимоий хизмат кўрсатишнинг халқаро тажрибаси ва Ўзбекистон амалиёти, ижтимоий хизматнинг соҳавий ривожланиш тенденциялари, ижтимоий хизматнинг марказий парадигмалари каби масалалар тадқиқ этилган.

Ижтимоий хизмат кўрсатишдан кўзланган мақсад муҳтож инсонлар иқтидори ва кўникмаларини рағбатлантириб, улар ижтимоийлашуви

мувозанатини таъминлаш учун маиший, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, тиббий, психологик, жисмоний масалаларда амалий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Ижтимоий хизмат кўрсатиш биринчи навбатда: - кекса ва қарияларга, ёшлигидаёқ (ювентал ногиронлар) меҳнат лаёқатини йўқотганларга, болаларга, меҳнат лаёқатини йўқотган хотин-қизларга, меҳнат лаёқатини йўқотган эркакларга ва ишсизларга, иккинчи навбатда: - меҳнат фаолияти давомида жароҳат олганларга, кўп фарзандли оилаларга, вақтинчалик иш жойини йўқотганларга, муҳожирларга, учинчи навбатда: - ёш оилаларга, фарзанд тарбияси бўйича ёш ота-оналарга, тўртинчи навбатда: - оила хўжалик ишларини бажариш учун ижтимоий ёрдам, маданий ва маиший ишларни бажариш учун ижтимоий ёрдам, ҳуқуқий ва иқтисодий вазифаларни бажариш учун ёрдам кўрсатилиши асослаб берилган.

Тадқиқот функционал-структуравий таҳлилининг муҳим натижалари қаторида қуйидаги функцияларни кўрсатиш ўринли: диагностика ўтказиш; режалаштириш ва йўналтириш; прогностика ўтказиш; ижтимоий терапевтик (огоҳлантирувчи-профилактикавий); ҳуқуқий ҳимоя қилиш; ижтимоий-педагогик; ижтимоий-психологик; ижтимоий-тиббий; ижтимоий-маиший; коммуникатив; тарғибот (реклама); ижтимоий-маданий; ташкилий. Мазкур функцияларни бажариш ижтимоий хизмат билан шуғулланувчи ходимнинг зиммасида бўлиб, бу ўз навбатида уларни нафақат касбий билимларга, балки маиший ва маънавий билимларга эга бўлишини тақозо этади. Чунки касбий билим «ижтимоий иш мутахассиси – ижтимоий ёрдам олишга муҳтож инсон (гуруҳ) – намоён бўлган муаммо (нуқсон) – амалий ёрдам кўрсатиш» каби муносабатлар таркибини таъминласа, маиший ва маънавий билимлар эса, «ижтимоий муҳит – ижтимоий иш мутахассиси – ижтимоий ёрдамга муҳтож инсон (гуруҳ) – микро (маънавий) муҳит – амалий ёрдам кўрсатиш – маиший ҳаёт – муаммо (нуқсон) – мақсадга эга бўлиш (шакллантириш)» каби муносабатлар мажмуасида амал қилади. Ижтимоий хизматнинг ушбу икки хил структуравий классификациясидан кўриниб турибдики, унинг функциялари ёрдамнинг тузилиши ва даражаларини белгилаб бериш учун хизмат қилади. Шу сабабли, ижтимоий хизмат кўрсатиш ходимининг профессиограммасини илмий таълимотлар, масалан, «Ижтимоий-фаолиятли ёндашув»; «Маданий-цивилизациявий ёндашув»; «Индивидуал-шахсий ёндашув» асосида яратиб, касбий таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида ижтимоий хизмат ходими назарий моделини тайёрлаш тақозо этилади.

Ижтимоий хизмат фаолият сифатида ижтимоий сиёсат амалиётини таъминловчи, режалаштирувчи, йўналтирувчи, шакллантирувчи ва татбиқ этувчи воситаси ҳисобланиб, жамиятдаги ижтимоий сиёсатнинг ўзаро боғлиқ бўлган илмий-билиш ва амалий-ташкилий каби қисмлари ҳаракатини таъминлайди. Ижтимоий хизмат (иш) касб сифатида хоҳ Ғарб, хоҳ Шарқ тажрибаси бўлишидан қатъий назар, унинг мазмун-моҳияти замирида «инсон олий қадрият» ғояси мужассамлашган.

«Ижтимоий хизмат кўрсатиш» тушунчаси ҳар қандай атама сингари маълум идеал объектга таъриф беришда аниқланади. Унинг тизимли хусусиятлари нуқтаи назаридан таснифига эътибор қаратсак, ҳар бир элемент алоҳида амал қилиши ҳам мумкин. Масалан, Тошкент шаҳар Сергели туманида «Ижтимоий таъминот» ва «Бандликка кўмаклашиш» маркази, «Нуроний жамғармаси» ва «Соғлом авлод учун» каби нодавлат ташкилотларининг ҳудудий муассасалари фаолият юритиб, амалда мамлакатнинг ижтимоий сиёсатини таъминлаб келмоқдалар. Жумладан, бу туманда ёлғиз кексалар 15 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, бепул тиббий хизмат ва дори-дармон воситалари билан таъминланади. Уларнинг айримларига доимий тарзда ижтимоий хизмат кўрсатувчи мутахассислар бириктирилган.

«Жаҳондаги барча элат ва халқлар анча мураккаб этник жараёни бошдан кечирганлар. Чунки ҳар бир этнос узок тарихий давр давомида турли элатлар билан алоқада, баъзан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, бошқа этнослар билан аралашиб, уларни ўзига сингдириб ёки таркибий қисм қилиб олиш натижасида шаклланиб келган». Ана шу тарихий давр давомида ижтимоий хизматнинг айрим жиҳатлари шакллана борган.

Ижтимоий хизмат минтақавий жиҳатдан ҳам ривожланиш босқичларига эга бўлиши мумкин. Ижтимоий хизматни илк кўринишидан то институционал мазмун касб этишигача бўлган даврини шартли равишда тўрт босқичга («Яқин кишиларига ғамхўрлик кўрсатиш босқичи», «Жисмоний ва рухий жиҳатлардан ногирон бўлганлар, кексалар, ёш болалар ва оналарга амалий ёрдам кўрсатиш босқичи», «Боқувчисини йўқотганларга ёрдам кўрсатиш босқичи», «Меҳнат бозорига ижтимоий хизматни меҳнат тури сифатида кириб келиш босқичи») ажратиш мумкин. Босқичларнинг таснифи ижтимоий хизматнинг институционал шаклланишини асослаб бериш учун хизмат қилади. Шу тариқа ижтимоий хизматнинг турли парадигмалари вужудга келган. Уларнинг мазмун ва моҳиятини англаш учун, ижтимоий хизматга доир таълимотлар назарий таҳлилини амалга ошириш лозим.

Ижтимоий хизмат кўрсатишда қуйидаги парадигмалар мавжуд: тизимли-экологик, коммуникатив-ролли, институционал, функционал, этик-аксиологик, мафкуравий, консултатив, витал-мўлжаллаш, эвохомологик, синергетик ва бошқа парадигмалар.

Ижтимоий хизмат кўрсатиш манзиллигига қараб кичик ижтимоий гуруҳларда (community work), индивидуал ижтимоий хизмат (case work), гуруҳ билан ижтимоий хизмат (group social work) шаклларида олиб борилади. Бугунги кунда ижтимоий хизматнинг инқирозли концепцияси (инқирозли вазиятларда ижтимоий хизмат олиб бориш технологияси) ҳам шаклланаёпти. Мазкур концепция асосида ижтимоий хизматда “инқирозли интервенция” тушунчаси киритилди. Бу тушунча, алоҳида инсон ёки гуруҳни эмоционал, маънавий, экзистенциал ва ахборот жиҳатларидан қўллашни назарда тутди.

Ижтимоий хизматнинг фаолият сифатида илк кўриниши гўдакларнинг ривожланиши, кексаларни мослашувчанлигини таъминлаш ҳамда турли хил

даражадаги ногиронларга ғамхўрлик кўрсатиш, улар ҳақида қайғуриш шаклларида намоён бўлган. Бу жараён тарихий давр ўтиши билан маданийлашиб, саноатнинг ривожланиши, фан ва техника ютуқларининг ижтимоий ҳаётга шиддат билан кириб келиши натижасида илмийлик тусини олиб, тиббиёт, психология, физиология, филология, социология каби фанларда инсон ҳаёт-фаолиятига бағишланган кашфиётларнинг ҳосиласи сифатида мустақил тарзда ривожланди. Шу тариқа мамлакатимизда ҳам ижтимоий хизматнинг функционал-маданий парадигмаси вужудга келди.

Юқорида кўрсатилган ижтимоий хизмат кўрсатишнинг кичик тизимлари ва элементлари тузилмаси тизимни барқарорлик, сифатли аниқлик нуқтаи назаридан тавсифлайди. Шубҳасиз, бу муҳим, аммо етарли тавсиф эмас. Шунинг учун ижтимоий хизмат кўрсатиш моҳияти аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари, ижтимоий фаолият турли субъектлари вазифаларини таҳлил қилиш ва ижтимоий хизматларга умумий ҳолда ишлаш тамойилларини англаш орқали очиб берилади.

Бугунги кунда ижтимоий иш тизимида Ювентал ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими шаклланиб бормоқда. Масалан, уюлмаган ёшлар масаласи билан боғлиқ ижтимоий муаммолар шу йўналиш доирасида ўрганилиб, ечим йўллари аниқланиши кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқот ишида ижтимоий хизмат кўрсатишни касб сифатида намоён бўлишини ижтимоий моделлари ишлаб чиқилган бўлиб, биринчи модел: «Жамият – Ижтимоий муаммолар – Ижтимоий сиёсат (хизмат кўрсатиш муассасалари) – Ижтимоий иш мутахассиси – Ижтимоий ёрдам олишга эҳтиёжманд инсон (гуруҳ) – Индивидуал даражада намоён бўлган муаммо (нуқсон) – Амалий ижтимоий ёрдам кўрсатиш – Ижтимоий муносабат (баҳо бериш, эътироф этиш кўринишларида)». Иккинчи модел: «Ижтимоий муҳит – Ижтимоий иш мутахассиси – Ижтимоий ёрдам олишга эҳтиёжманд инсон (гуруҳ) – Микро муҳит – Амалий ёрдам кўрсатиш – Маиший ҳаёт – Муаммо (нуқсон) – Мақсадга эга бўлиш (шакллантириш)» каби муносабатлар мажмуасида амал қилиши кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистонда ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришнинг концептуал жиҳатлари**» деб номланган бўлиб, ижтимоий хизмат кўрсатиш технологиялари ва уни тадбиқ этиш механизми, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимининг эмпирик таҳлили амалга оширилган. Жумладан, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига манзилли ижтимоий кўмак масаласи ўрганилган (1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар учта танлов гуруҳи ҳам аҳолининг ёрдамга муҳтож тоифаларидан қайси бири манзилли кўмакка кўпроқ муҳтожлигини баҳолашда гуманизм ҳамда эмпатик ҳис-туйғуга асосланган ҳолда энг аввало ногирон болалар, етим қолган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳамда мустақил ҳаракатланиш имконияти кўпроқ чекланган I-гуруҳ ногиронларини қайд этиб ўтишган. I-гуруҳ ногиронларининг муаммолари, жамиятда ифодаланган муаммонинг бир кўриниши ҳисобланади.

**Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига манзилли  
ижтимоий кўмак масаласига респондентлар муносабати тавсифи**

Сиз аҳолининг қуйидаги ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларидан қайсиларини биринчи навбатда манзилли ижтимоий кўмакка муҳтож деб ҳисоблайсиз (учтагача вариантни белгилаш мумкин)?	Танлов гуруҳлари								
	А (ходимлар) гуруҳи (n=60)			В (мижозлар) гуруҳи (n=80)			С (экспертлар) гуруҳи (n=50)		
	Сони	%	ранг	Сони	%	ранг	Сони	%	ранг
а) I-гуруҳ ногиронлари;	29	48,3	II	40	50	III	25	50	III
б) II-гуруҳ ногиронлари;	16	26,7	V	19	23,8	VI	13	26	VI
в) ногирон болалар;	32	53,3	I	41	51,3	II	27	54	I
г) муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар;	22	36,7	III	28	35	IV	18	36	IV
д) ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган шахслар;	18	30	IV	25	31,3	V	15	30	V
е) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар.	32	53,3	I	43	53,8	I	26	52	II

Эмпирик тадқиқотлар асосида олинган натижаларнинг танлов гуруҳлари ўртасидаги фарқланишини статистик нуқтаи назардан исботлаш мақсадида қуйидаги фаразлар илгари сурилди:

$H_0$ – респондентларнинг, аҳоли эҳтиёжманд тоифаларининг қайси бири манзилли кўмакка кўпроқ муҳтожлигини баҳолашдаги муносабати А, В, С танлов гуруҳлари жавобларида бир-биридан фарқланмайди;

$H_1$ – респондентларнинг, аҳолининг ёрдамга муҳтож тоифаларини қайси бири манзилли кўмакка кўпроқ муҳтожлигини баҳолашдаги муносабати А, В, С танлов гуруҳлари жавобларида бир-биридан фарқланади.

Крускал-Уоллис мезони қўлланган ҳолда статистик ҳисобларни амалга ошириш қуйида келтирилган алгоритм асосида амалга оширилди:

1. Учта танлов гуруҳига тегишли бўлган жавоблар (индикаторлар) сонлари бирлаштирилиб, энг кичик кўрсаткичга кичик ранг, катта кўрсаткичга катта ранг белгиланди. Бунда ранглар суммаси бирлаштирилган танлов гуруҳи кўрсаткичлари (бизнинг ҳолатимизда саволларнинг индикаторлари, яъни жавоб вариантлари) сонига тенг бўлади.

2. Сўнгра эса ҳар бир танлов гуруҳига тегишли кўрсаткичлар ўз ўрнига қайтарилиб, улар учун тўпланган ранг миқдори суммалаштирилади (2-жадвал).

3. Энди “ранг умумий суммаси”ни ҳамда «ранг ҳисоблаш суммаси»нинг тенглигини текшириш лозим бўлади.

Бунда аввало ранглар (реал) суммасини аниқлаймиз:

$$\Sigma R_j = 56,5 + 77,5 + 37 = 171.$$

Сўнгра қуйидаги формула асосида рангни ҳисоблаш суммасини аниқлаймиз:

$$\Sigma R_j = \frac{N \cdot (N+1)}{2}, \text{ яъни } \Sigma R_j = \frac{18 \cdot (18+1)}{2} = 171,$$

бунда N – ранжирланган кўрсаткичлар суммаси ҳисобланади.

Олинган натижалар реал ҳамда ҳисоблаш натижаси суммасининг тенглигини кўрсатади. Демак, N мезони бўйича эмпирик кўрсаткичларни аниқлашга ўтиш мумкин бўлади.

2-жадвал

**Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига манзилли  
ижтимоий кўмак масаласига респондентлар муносабати бўйича ранг  
кўрсаткичларини ҳисоблаш тавсифи**

Танлов гуруҳлари					
А (ходимлар) гуруҳи (n=60) учун индикаторлар n=6		В (мижозлар) гуруҳи (n=80) учун индикаторлар n=6		С (экспертлар) гуруҳи (n=50) учун индикаторлар n=6	
Сони	Ранг	Сони	Ранг	Сони	Ранг
		43	18		
		41	17		
		40	16		
32	14,5				
32	14,5				
29	13				
		28	12		
				27	11
				26	10
		25	8,5	25	8,5
22	7				
		19	6		
18	4,5			18	4,5
16	3				
				15	2
				13	1
149	56,5	196	77,5	124	37
24,8		30,6		20,7	

4. N мезони бўйича эмпирик кўрсаткичларни аниқлаш қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$H_{эмп.} = \left[ \frac{12}{N \cdot (N + 1)} \cdot \sum \frac{T^2}{n} \right] - 3 \cdot (N + 1),$$

бунда: N – танлов гуруҳлари бўйича умумлаштирилган индикаторлар (жавоб вариантлари) сони (18);

n – ҳар бир гуруҳдаги индикаторлар сони (6);

T – ҳар бир гуруҳдаги индикаторлар ранг йиғиндиси сони (A гуруҳ – 56,5, B гуруҳ – 77,5, C гуруҳ – 37).

Бунда қуйидаги натижа аниқланади:

$$N_{эмп.} \left[ \frac{12}{18 \cdot (18+1)} \cdot \left( \frac{56,5^2}{6} + \frac{77,5^2}{6} + \frac{37^2}{6} \right) \right] - 3 \cdot (18 + 1) = 4,798.$$

N мезони қўлланилган танлов гуруҳларидаги респондентлар сони бештадан ( $n \geq 5$ ) кўп бўлган ҳолларда маълумотлар аҳамиятлилигини (ишончлилигини) белгилашда Пирсоннинг  $\chi^2$  мезонида белгиланган критик кўрсаткичлар жадвалини қўллаш лозим бўлиб, критик кўрсаткичлар  $v = c-1$  ҳолатида кўриб чиқилади. Бунда c - таққосланадиган танлов гуруҳи сонини билдиради.

### ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ижтимоий хизмат кўрсатиш фаолият тури сифатида ўз тарихига эга бўлиб, ҳар бир минтақада мавжуд моддий, маънавий, демографик, ахборий, услубий каби ресурслар асосида вужудга келган. Ижтимоий хизмат кўрсатиш ҳақида, унинг мазмун-моҳиятига оид тасаввурлар кенгайиб бормоқда. Бунга иқтисодий ва ижтимоий-маданий интеграциялар сабаб бўлмоқда. Ижтимоий хизмат меҳнат тури сифатида шакллангунига қадар, бир нечта босқичларда институционалланган. Бунга, маданий, диний, иқтисодий, демографик ва бошқа омиллар таъсир кўрсатган;

2. Ижтимоий хизмат кўрсатишни бир қатор парадигмалари мавжуд бўлиб, улар аниқ илмий-фалсафий таълимот асосида яратилган. Бунга функционал-маданий парадигма, этикавий-аксиологик парадигма, витал-мўлжалга олиш парадигмаси кабиларни келтириш мумкинки, уларнинг қаторида бизнинг мамлакатимизга хос бўлган функционал-маданий парадигмани ҳам кўрсатиб ўтиш жоиз;

3. Ижтимоий хизмат фалсафаси шаклланиш босқичида туриб, гарчи уни асосий категориялари белгилаб олинган бўлсада, амал қилиш доираси етарлича аниқланмаган. Сабаби масалани тиббий, психологик, ҳуқуқий, иқтисодий, ювентал, ахборий, касбий-ахлоқий ва маънавий каби жиҳатлари бугунги кунга қадар соҳавий жиҳатдан тасниф этилмаганлигидадир;

4. Ижтимоий хизматни функционал-маданий парадигмаси, этномаданият тамойилларига амал қилган ҳолда, турли соҳаларда ижтимоий ёрдам кўрсатиш амалиётини таъминлаш учун мақбул ҳисобланади. Чунки, эмпирик тадқиқотлар натижалари бўйича ижтимоий хизмат кўрсатишнинг жорий ҳолати (ижтимоий хизмат ходимларини фаолияти), эмпирик ҳолати (ижтимоий хизмат оловчиларнинг хизмат кўрсатишдан мамнунлиги) ва идеал ҳолати (экспертларни фикри) орасида ижобий корреляция кузатилмайди. Бу табиий ҳол ҳисобланади. Чунки, ижтимоий хизмат кўрсатиш, амалий ижтимоий хизмат олиш давомида янги талаб ва эҳтиёжлар ортиб боради. Шу

тариқа, ижтимоий хизмат кўрсатувчи ва хизмат натижаларидан баҳраманд бўлувчиларнинг муносабати яқинлашиб ва гоҳида узоклашиб, кадрият омили доминантлик қилади;

5. Мамлакатимизда, ижтимоий хизмат кўрсатиш фаолият тарзида институционаллашиб, интенсив тарзда ривожланиб бормоқда. Бунинг учун ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий асос яратилган бўлсада, аммо ижтимоий хизмат олиш маданияти етарлича шаклланмаган. Эмпирик тадқиқот доирасида «Ижтимоий хизматларга муҳтож шахсларни аниқлаш асосан қай тарзда олиб борилади (иккитагача жавобни танлаш мумкин)?» деган саволга А (мижозлар) гуруҳи респондентларининг 56,7% биринчи навбатда «жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган ахборот асосида», 53,3% иккинчи навбатда «уйма-уй юриш чоғида», 45% эса учинчи, яъни сўнгги навбатда «ижтимоий хизматларга муҳтож шахс мустақил равишда мурожаат этганда» аниқланишини; В (ходимлар) гуруҳи респондентларининг 52,5% биринчи навбатда «уйма-уй юриш чоғида», 41,3% иккинчи навбатда «жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган ахборот асосида», 33,8% эса учинчи, яъни сўнгги навбатда «ижтимоий хизматларга муҳтож шахс мустақил равишда мурожаат этганда» аниқланишини; С (экспертлар) гуруҳи респондентларининг 56% биринчи навбатда «жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган ахборот асосида», 50% иккинчи навбатда «ижтимоий хизматларга муҳтож шахс мустақил равишда мурожаат этганда», 48% эса учинчи, яъни сўнгги навбатда «уйма-уй юриш чоғида» аниқланишини таъкидлаб ўтишган;

6. Ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси миллий даражада, минтақавий даражада ҳамда халқаро даражаларда амал қилиб, бунда БМТ, ЮНЕСКО, УССТ, ХМТ ва бошқаларнинг декларацияси, конвенция ва резолюцияларига таянади. Бу ўз навбатида «Ижтимоий хизмат кўрсатувчилар ассоциацияси»ни ташкил этишни тақозо этади ва ижтимоий хизмат кўрсатиш пастдан юқорига (фуқаро → ижтимоий хизмат) эмас, балки юқоридан пастга (ижтимоий хизмат → фуқаро) йўналтирилган бўлиши лозим. Бунинг учун С танлов гуруҳининг (яъни, экспертлар гуруҳининг) ёндашуви эътиборга молик. Яъни, ижтимоий хизмат бугун ва ҳозир амалга оширилиши мақбул;

7. Ижтимоий хизмат кўрсатиш турли оғир дамларда, инсонларга институционал даражасида амалий ёрдам бера оладиган фаолият тури ҳисобланиб, амалий ижтимоий хизмат кўрсатиш турлари ва даражалари бўйича гуруҳларга ажратилади. Респондентларнинг қарийб 50% томонидан ижтимоий хизмат кўрсатиш «қониқарли даражада» (А гуруҳи – 48,3% (I), В гуруҳи – 47,5% (I), С гуруҳи – 48% (I), ўртача 25% «қисман қониқарли» даражада (А гуруҳи – 25% (II), В гуруҳи – 25% (II), С гуруҳи – 26% (II), ўртача қарийб 17% «талаб даражасида» (А гуруҳи – 18,3% (III), В гуруҳи – 17,5% (III), С гуруҳи – 16% (III), ўртача 10% «қониқарсиз даражада» (А гуруҳи – 8,3% (IV), В гуруҳи – 10% (V), С гуруҳи – 10% (IV) эканлигини инобатга олсак, бу масала ўз навбатида, ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштириш лозимлигини тақозо этади. Шу сабабли,

мижозларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасини хусусий даражаларга ажратган ҳолда ривожлантириш лозим;

8. Ижтимоий хизмат кўрсатиш, хизмат кўрсатишни манзиллигига қараб кичик ижтимоий гуруҳларда (community work), индивидуал тарзда ижтимоий хизмат (case work), гуруҳ билан ижтимоий хизмат (group social work) тарзларида олиб борилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.01.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**РАХМОНОВ ДУСМУРОД АБДИНАЗАРОВИЧ**

**ЭТНОКУЛЬТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОГО  
ОБСЛУЖИВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**09.00.04 – Социальная философия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Fal 47.**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице samdu.uz, по адресу www.ziyounet.uz информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Самаров Рустамжон Садриддинович</b> доктор философских наук
<b>Официальные оппоненты</b>	<b>Умаров Абсалом Адилевич,</b> доктор социологических наук, профессор <b>Мухторов Азамат,</b> доктор философских наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентская медицинская академия</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_\_ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 1000174, г.Ташкент, ул. Университетская, 4. Здание факультета Социальных наук Национального университета Узбекистана, 5 этаж, 511-аудитория. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: [nauka@nu.uz](mailto:nauka@nu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована под №20). (Адрес: 100174, г.Ташкент, улица Университетская, дом 4. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года)

**И.Р.Хужамуратов**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

**Г.М.Рузматова**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

**Ж.Раматов**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В развитых странах мира накоплен громадный практический опыт в области социальных услуг. Развитие системы социального обслуживания становится все более актуальным в результате общественных, экономических, культурных и правовых факторов, а также различного рода трудностей, связанных с реалиями общества, экономических проблем и потери физического здоровья. По этой причине, учитывая непосредственную связь сферы социальных услуг с практической деятельностью, мировое научное сообщество в широком масштабе изучает данную проблему.

В ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях проводятся научные исследования, направленные на изучение связи социальной службы (работа с матерью и ребенком, одинокими пожилыми людьми, с неполными и проблемными семьями, инвалидами от рождения или пострадавшими в процессе трудовой деятельности, наркоманами и прочими) с материально-культурными и духовно-просветительскими процессами в обществе. Проанализирован целый ряд концептуальных идей о функционально-структурных, классификационных, межгосударственных и регионально-территориальных отношений социального обслуживания. Вместе с тем в настоящее время в мире особое внимание уделяется вопросам развития сферы социальных услуг как особого вида гуманитарной деятельности, международному опыту и обеспечению реализации социальных услуг, преодолению социальных факторов, оказывающих отрицательное воздействие, таких как безответственность, профессиональная некомпетентность, отсутствие знаний и квалификации, устаревшие технологии планирования и управления, преодолению этих факторов и совершенствованию теории и практики социального обслуживания.

В настоящее время в нашей стране внедрение системы оказания практической помощи различным слоям населения с учетом возраста, пола, социального статуса, физического потенциала широко проявляется в медицинской, правовой, информационной, культурной, социальной и экономической сферах. В частности, одно из приоритетных направлений Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определено как «Развитие социальной сферы»<sup>1</sup>. Последовательное выполнение этих задач вызывает необходимость дальнейшего развития и совершенствования системы социального обслуживания. Если исходить с этой точки зрения, то исследование этнокультурных факторов развития системы социального обслуживания с социально-философских позиций, разработка заключений, имеющих научно-теоретическое значение, считается актуальной задачей.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». 7 февраля 2017 года – Ташкент: Адолат, 2017. – Стр.112.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, определенных в Законе Республики Узбекистан №406 «О Государственной молодежной политике» от 14 сентября 2016 года, Законе Республики Узбекистан №415 «О социальных услугах для престарелых, инвалидов и других социально уязвимых категорий населения» от 26 декабря 2016 года, Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и Указе №УП-5635 «Об утверждении Государственной программы года активных инвестиций и развития социальной сферы» от 17 января 2019 года, а также в других нормативно-правовых актах по данному вопросу.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением «I. Исследование национальных, литературных, исторических и религиозных ценностей, национальной идеи, эстетическо-художественного воспитания, искусства, материального и нематериального культурного наследия, истории национальной государственности».

#### **Степень разработанности проблемы.**

Социальные услуги, особенно в таких важных сферах, как экономика, медицина, право, культура и искусство, духовность, просвещение, психология специально не изучены с социально-философской точки зрения. Между тем социальная философия выполняет ряд таких функций как методологическая, гуманитарная, общекультурная и определяет задачи, которые необходимо решать в рамках других наук.

Проблема развития системы социального обслуживания, его направления, значение в жизни общества исследовались такими западными учеными как R.Lynn John Chandler, Linda Bell, Elisabeth Berg, Jim Barry, H.Sonya, Hu Jierong Yenching, Annie J. Keeney, Amy M. Smart, Regina Richards, Shannon Harrison, Manuel Carrillo ва Deborah Valentine, T.Mafile'o, Paul Force-Emery Mackie, такими учеными из Азии как T.Akimoto, A.Mishima, B.Vijayalakshmi, A. Albrithen и другие.

